



Депутатлар фаолияти

ОДАМЛАР ТАШВИШИДА


— ҶШАНДА қизиқ бўлганди, — деб ҳикоя қилади Киров район Советининг депутати Саид Изамайлов. — Сайловоти ишлари авж олган, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бошланган эди. Мен ҳам шундай учрашуга тайёргарлик қўлардим. Ишончли вакилларим йўл-йўриқлар кўрсатишди, дастурини қайта-қайта кўздан кечиришди. Хуллас, уларнинг кўнгиллари тўлди, шекилли, учрашув кунини белгилашди... Қани, энди ўларидан бир эшитайлик, — овозлар келди пастанд. Сени ўринидан турдим. Минбарга келиб дастурни оқдим. ...Оқруғ ҳудудидagi магазинлар ишини назорат қилиб туриш, уй-жой комитетлари қарамонидagi янраб бораётган уйлари тубдан таъмирлаш, дорихоналарда болаларга зарур доридармонларни талаб даражасида кўпайтириш, болалар боғчаси, яслик ишларини яхшилаш, атроф-муҳит софлигини асраш учун автотормехбаза ва наваллазия тармоқлари ишининг намунали даражада бўлишини назорат қилиш, автобуслар ўрнига кўпроқ троллейбус линияларини ишта тушириш, шаҳар электротранспорти моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва кўпроқ сайловчилар талаби билан шугулланишга қаратилган. Нуруний кекса киши сўз олиб, ўриндан турди. — Қани, ҳолис гапни айтингчи, укам, шу ишларини бажаришга кучингиз етadими? Нима дейишга ўйлаб қолдим. Дастурни ёзишга ҳў ёзибмиз, лекин ҳала-ёлга «Хўш, бу юмушларни аёлай оламми», деган саволини келтирмабман. — Агар шу санаган ишлардан армини бажариб берсангиз ҳам қойил қоламиз, ука, — деди яна кимдир. — Бизга ёзилган жимжамдор сўзлар эмас, иш керак, — гап отишди сайловчилар. Шундан кейин дастур бу ёнда қолиб савол-жавоблар бошланиб кетди. Одамларнинг шунча дарди бор экану, мен улар қалбига қулоқ соймай қўйиб, дағи осмондаги гапларини ёзиб ўтирибман-а...

тида савдо, умумий оқватланиш, маънавий хизмат ва ширкатлар фаолияти масалалари билан шугулланувчи комиссия ишини кўрсатиш мумкин. Комиссияга «Водпроект» институтининг бўлими бошлиғи Абдурахмон Маълонов бошчилик қилади. Унинг аъзолари орасида Саид Изамайлов ҳам бор. Ҳозир комиссия район аҳолисини сифатли оқват-оқват маҳсулотлари билан таъминлаш ва хизмат турларини кўпайтириш масаласини навбатдаги сессия кун тартибига олиб чиқишга тайёргарлик қўрипти. Унинг материалларини тайёрлашда С. Изамайлов изчил иш олиб бормоқда. Депутатнинг трамвай-троллейбус бошқармаси жамоаси ўртасида, сайловчилар билан олиб бораётган ишлари ҳақида бошқарма «Мотор» кўп нусхали рўнонамаси муҳаррири Ф. Абдурахимов шундай деди: — Саиджон гайратли ва ташаббускорлиги билан ажралаб туради. У депутат сифатида ўзи ишлаётган жамоага ҳам катта ёрдам берапти. Дарҳақиқат, унинг елиб-югуриши туфайли баъзи оилалар уйли-жойли бўлапти, кимларнингдир уйига телефон тушпти, йўлақлар асфальтланапти. Ногирон ва кўп болали оилаларнинг таъмирталаб уйлари пардоздан чиқаяпти. Оқруғ ҳудудидagi боғчада тартиб ўрнатилди. Булар ҳаммаси депутат томонидан бажарилган ишлар. — Режаларим кўп, — дейди С. Изамайлов, — уларнинг амалга оширишга тўққунлик қилаётган ташиқлотлар ҳам йўқ эмас. Тўғри, амалда депутатга катта ҳуқуқ берилган. У сайловчилар истагига алоқадор бўлган ҳоҳлаган ишга ашигини қўйиши мумкин. Лекин кўпича амалда шундай бўлмапти. Масалан, уй-жой ташиқлотлари билан шундай ҳол рўй бермоқда. Бирор ногироннинг ёки уруш қатнашчиларнинг уйи таъмирталаб, У сента мурожат этади. Истанин бажариши керак. Аммо уй-жой бошқармасидagiлар бу ишларини вақтида бажаришмайди, баъзан асоссиз равишда чўзиб юборишади. — Мана қарийб 12 йилдирки, С. Изамайлов трамвай-троллейбус бошқармасида сидқидилдан аял-юртга хизмат қилади. У бригадасидagi ўз ҳамкасбларига нихоятда ҳушёр ва йўловчилар билан хушумомала бўлишини қайта-қайта тасдиқлайди. Еш ҳайдовчилар билан алоҳида суҳбат ўтказиши. Шундан бўлса керак: бригадада намунали меҳнат интизоми ҳукмрон. Еш ҳайдовчиларга трамвай бошқармиш маҳоратини доимо ўргатиб бориши, ҳайдовчиларга тушлик оқватлар уюштириш масаласи устида кўп кўйдириши, меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилиши депо жамоаси орасида танилишига омил бўлди. Ҳаракатчан, хушумомала, ҳамкасбларига жонкуяр бу ҳайдовчи ҳар ҳафтада ўтказиладиган эксплутация кенгашида қатнашиб, камчиликларнинг тўғри ҳал қилинишига, ҳиссасини қўшади. Буш вақтларда депо ҳаётида фаол қатнашади, жамоатчилик ишларини ихлос билан бажаради. — Депутат бўлишдек масъулиятли ва шарафли номга муносиб бўлган эканман, ўзим ишлаётган корхона жамоатчилиги ва сайловчиларнинг барча истак ва талабларини бажариши ўзининг муқаддас бурчим деб биламан, — дейди у бизга. М. КОМИЛЖОНОВ.

Жумҳурият янгиликлари

УШОВИ ТУШОВИГА ЯРАША

«Бухаранстрой» трестининг Свердловск механизациялаштирилган кўчма колоннасида қудратли юк автомобиллари пайдо бўлди. Улар мамлакатимизда ўтказилган конкурс яраси шартлари туфайли Брянск автозаводидан келирилди. 480 от кучига эга бўлган автомобиллар энди ҳарбий юкларни ташинишга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири бир кўла 16 тонна юкни ташиниш ёки ер қазийдиган оғир техникани шатакка олиши мумкин. — Машиналар қimmat туради, лекин бизнинг шароитимизда улар барча ҳаракатларини ярим йил ичида қолгайди, — дейди механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Л. Саидов. — Бизда Брянск автомобилларини учун иш кўп. — «БАЗ» — ажойиб, ишончли автомобиль, — деб машинани қисқача таърифлади ҳайдовчи Ф. Санаев. У яқинда Брянскка бориб, шу машиналарда ишларини ўргениб қайтиди. Энди у янги техникани ўлаштиришда ўртокларига ёрдам берапти.



ОТА ВА УҒИЛ — БИР САФДА. 3-уйсозлик комбинати илгор қурувчи-монтажчилари Айниддин ва Эркин Худойназаровлар.

«НУРИСТОН»ГА «ЗАНГОРИ» ЕҚИЛГИ КЕЛТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон билан Туркманистон чегарасида, Урта Осиёдаги энг катта Толмижорон ГРЭС қурилиши яқинда жойлашган «Нуристон» чўл посёлкасини газлаштириш бошланди. Хонедонлар учун «эангрон» ёқилги Шўртон конидан келади. Бу воқеа Қошқадарё вилояти учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки айни ободончиликнинг ва маънавий қувватларнинг, шу жумладан табиий газнинг йўқлиги Қарши чўлидаги қўпгина кўрқ посёлкаларини яшаш учун яроқсиз қилиб қўйди ва янги кўчиб келганлари бу ердан кетиб қоллиши мажбур қилди. «Користрой» бирлашмаси қурувчилари ҳозир кўрқ посёлкаларини газ билан таъминловчи қуварларни тез суруятлар билан ўтказмоқда. Ихтисослаштирилган бўлими — 10-маҳсул механизациялашган кўчма колонна ташиқ қилинди. Унинг вазифаси шу йилнинг ўзидеки Қарши чўлида 210 километр газ қуварини ётқизиладан иборатдир. Шартономаларга мувофиқ улар учун қуварларни Россия Федерацияси — Саратов, Волгоград вилоятлари ва Татаристон АССРдаги корхоналар етказиб беради.

ТОШКЕНТ тажриба-ускунасозлик ва техник мосламалар заводи ташиқ топганида ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Октябрь районининг Маннон Уйғур кўчасида жойлашган бу заводда илгари асосан муҳка асбоблари тайёрланар эди. 1987 йил 1 январдан завод таъмирланиб, урта асосий — пластмасса, кўзгу тайёрлаш ва жумҳуриятимизнинг бошқа заводлари учун қўллар тайёрлаб берадиган цехлар ташиқ қилинди. Аҳоли аҳтиёжи учун зарур бўлган истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган дастоҳлар билан қайта жиҳозланди. Янги ишлаб чиқариш жараёнига ўтказилган завод қуввати ортиб, даромадди корхонага айланди. Мушқа асбоблари тайёрлаган вақтда завод 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, ҳозир биргина пластмасса цехининг ўзи йилга 2 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқараяпти. Заводдаги ишлар билан таъминлини пластмасса цехидан бошлади. Бу ерда аҳоли учун истеъмол бўладиган кийим илтиҳлар, ҳажми 1 литрли термослар, пластмасса чекларлар, шиша идишлар учун елим қопқоқлар, спорт лотоси, 1-синф ўқувчилари учун саноқ чўллари ва шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бу ерда турли миллат вакилларидан иборат 130 га яқин ишчилар меҳнат қилипти. Улар ўртасида иш пухта ташиқ қилинган, ҳар бири ўз касбининг сир-асрорларини яхши билади, ўз вазифарларини билиб қилади. Қисқача қилиб айтганда, ишлар бир маромда кетаётгандай туюлади. Аммо бошқа бир манзара эътиборимизни тортди. Цехда пластмассани юқори босимда эритиб қуювчи ўн битта дастоҳдан фақат саккизтасигина ишлаб турибди. Қолган учтаси эса беқор эътибди. Бунинг сабабини цех бошлиғи Баҳодир Мирсолиҳовдан сурадик. Урта бўйли, озгирок, лекин истараси исик цех бошлиғининг юраги тўлиб турган экан, дардини тўқиб солди. — Нимасини айтасиз. За-

водимиз янги-ю, аммо дастоҳлар эски. Завод таъмирланаётганда жумҳуриятимиздаги шунча заводлардан эскириб, ҳисобдан чиқарилган дастоҳлар олиб келинди. Ишламай турган дастоҳлардан иккитасининг «меҳнат фаолиятини бошлаганига» ҳам ўттиз йилдан ошди. Иш уюмдорлиги ҳам паст, ҳар томонлама эскириб, яроқсиз ҳолат келиб қолган, ярим соғат ишлайди-да, тақа-тақ тўхтайти. Кейин икки

са йўқотамиз. Мана, термос тайёрлаш жараёнини олиниб. Цехимиз ҳар ойда 40 миң донна термос тайёрлаб беради. Бизни Украинанинг Бу-ча ойна заводи термос ичидаги ялтироқ узун шишалар билан, Сергели районидagi «Комфорт» ошхона жиҳозлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг офсет цехи эса офсет гулли туникалар билан таъминлайди. Биз эса дастоҳ ёрдамида шу туникаларни қайтариб, ичига

собидан бўлиб, термос тайёрлашнинг таннархи ошишига, қолаверса, ишчилар иш ҳақининг пасайишига сабаб бўлаяпти. Ҳар ойда оладиган туникаларимиздан 5-6 миң донаси чиқмакка чинади. Ойлик режаларни катта қийинчиликлар билан бажараяпти. Ишчи уч сменада ташиқ қилганимиз. Ишчиларини ҳатто дам олиш кунисиз, шаба ва яқшаба кунлари ҳам ишлашга мажбур бўлишати. Агар маҳаллий санаот ноэридлигиди цехимизга 7 та дастоҳ бериб, сифатли хом ашё билан ўз вақтида таъминлаб турса, биз ҳар ойда 40 миң донна ўрнига 50-55 миң донна термос тайёрлаб берадик. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг миқдори ортиши ҳисобига уларнинг таннархини 50 тийин, ҳатто 1 сўмгача ҳам камайтириш мумкин. Цехда ишлаётган ишчиларга яратилган маданий-маънавий шароитлар билан ҳам таъминлиш мақсадида тушликка чиқиш учун қорамол текча қўлини латта билан арбатган. Еш йилгига мурожат қилганимизда, у мийғида қўлди. — Мана, шу қўлим билан тушлик қиламан. Икки ойдан бери сув йўқ, — деб цех бурчадаги жўмраги аниг босиб кетган қўл ювги мосламани кўрсатди. — Иккинчи ва учинчи сменадаги ишловчиларнинг «ошхона»лари эса ўз дастоҳларини бериб. Завод ошхонаси тунда ишламаганлиги учун улар овқатни ўзалари билан олиб келиб, иш жойида тановул қиладилар...

Биз инсон омилли ҳақида кўп гапирамиз. Ишчи унумли меҳнат қилиши учун аввало унга етарли шароит яратиб бериш керак деймиз, аммо акси бўлиб чиқаяпти: ҳали корхонада кўзга кўринадиган ижобий ишлар қилинганча йўқ. Нима тўққунлик қилаяпти? Одамлар учун, ишчи-хизматчиларга яратиб берилган шароит шу бўлдим? Бу — ҳақиқатли, ишчиларнинг меҳнатини қадрламаслик эмасми? М. ОТАХОНОВ, қурувчи.

«Тошкент оқшони»га жавоб берадилар

«Бекатларда сарғайиб»

○ Ана шу сарпаҳа остида «Тошкент оқшони» рўнома-сининг шу йил 26 апрел соғида таъкидий мақола босилиб, унда 7-маршутда қатновч троллейбусни йўловчилар бекатларда ўз-қўтиб қоллашгани таъкид қилинган эди. Бу мақола текшириб чора кўриш учун Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасига юборилган эди. Мухарририят бошқарма бошлиғи Х. С. Маҳмамов илзо чеккан жавоб хати олди. Унда, жумладан, шундай дейилади: — «Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ҳаракат хизмати раҳбарияти «Тошкент оқшони» рўномасида босилган «Бекатларда сарғайиб» номли мақолани кўриб чиқиб, қуйдагиларни маълум қилади. [ЭТАГ].

Шикоятда 7-маршутда қатнайдиган троллейбуснинг ишдан норозилик билдирилган, афсуски, троллейбуснинг бекатларга келган вақти ва муддати аниқ кўрсатилмаган. Шу муносабат билан мазкур маршутнинг иш фаолияти бир ой

мобайнида текширувдан ўтказилди. Ана шу текширувда маршутнинг бир маромда ишлаётгани аниқланди. Масалан, эрталаб соат 7 да режа бўйича 374 та вагон йўлга чиқиши керак бўлса, амалда 374 та чиқарилган. Соат 8 да режа бўйича 440 та вагон йўлга чиқиши керак бўлса амалда 433 та (7 та кам) чиқарилган. Соат 17 да 396 та вагон ўрнига 387 та (9 та кам) йўлга чиқарилган. Соат 18 да эса 396 вагон ўрнига 372 та (24 та кам) чиқарилган. Ҳар кун маршрут бўйлаб 20

троллейбус қатнайти, уларнинг ҳаракат қатнови орасидagi вақт 7 минути танлиқ элади. Ҳайдовчилар оқватландиган пайтда бу оралик 14—15 минутга чўзилди. Ҳозир маршутнинг иш фаолияти устидан икки томонлама назорат ўрнатилган: охириги бекатларнинг расамачилари (диспетчерлари) буни текширишдан ўтказиб борадилар. Ишмиизда бирон камчилик топилса, бу ҳақда зудлик билан чора кўриш учун 33-34-40 телефонига — ҳаракат хизмати бошлиғи А. Г. Никитинга хабар қилишганини сўраймиз. ТАСС сурати.



○ ОФИРНИ ЕНГИЛ ҚИЛАЕТГАН ДАСТОҲЛАР. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Дилобар Доноқуллова ана шу дастоҳларда ишлашни пухта ўрганиб олди. Х. Мирзақаримов сурати.

Хориждан хабарлар

● ТОКИО. Жанубий Корея ҳукумати Совет Иттифоқи билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қўмақлашди режасини тузишга киришди. Ренхап агентлиги «олий даражадаги манбаларга» асосланиб, Сеул шаҳридан шуларни маълум қилди. Ушбу ҳужжат, деб хабар қилади агентлик, савдо соҳасида икки томонлама алоқаларни кенгайтиришга, қўшма корхоналар ташиқ этишга ҳамда Жанубий Корея компанияларининг СССР ҳудудидagi табиий ресурсларини ишлаб чиқишда қатнашувига қўмақлашши керак. Бундан ташқари, ҳуж-

жатда, Совет Иттифоқига қарз бериш ҳамда инвестицияларни ҳимоя қилиш ва икки ёқлама солиқ солишини истисно этишга доир ўзаро битим тузиш муаммолари ҳам акс этади. ● БМТ. БМТ Хавфсизлик Кенгаши БМТ Бош қотиби Хавьер Перес де Куэльярнинг Кипрда ўз хайрли хизмат вазифини бажариш ва бу оролда жойлашган давлатнинг ҳар икки (грек ва турк) жамоасига адолатли ва мустаҳкам барқарорликка эришишда ёрдам қилишдаги куч-гайратларини қўллаб-қувватлади. Хавфсизлик Кенгаши расининг БМТнинг мазкур му-

ҳим органи мажлисида қарар қилинган баёғотида Кипрдаги ҳар икки жамоа раҳбарлари Кипр муаммосини ҳал этиш тўғрисида кенг қамровли битим ишлаб чиқиш билан дарҳол шугуллан бошлашга даъват этилган. ● БОНН. Бу ерда ГФР, ГДР, Франция, Буюк Британия, СССР ва АҚШ экспертлари ўртасида «Икки қўшув тўрт» формуласи бўйича музокаралар бўлиб ўтди. ГФР ташиқ ишлар министрлиги вакили Ханс Шумехернинг ТАСС мухбири билан қилган суҳбатда таъкидланди, икки герман давлати ва тўртта голиб

дават вакиллари бу музокарада немис бирлигини барпо этишнинг ташиқ жиҳатларини ҳал этиш юзасидан «олтилик» олиб борган ишнинг оралик яқунларини чиқардилар. Бонн дипломатик доираларининг маълум қилишича, экспертлар учрашувида ҳалқаро-ҳуқуқий тусдаги «Икки қўшув тўрт» формуласи юзасидан конференциянинг яқунловчи ҳужжатини ишлаб чиқишга катта эътибор берилди. Амалий музокаралар чоғида бўлажак ҳужжатнинг бир қанча бандларини, жумладан унинг кириш қисми хусусида томонларнинг фикри бир-бирига мос тушганлиги таъкидланди. ● РИМ. Италия Коммунистик партияси раҳбариятининг Римда бўлиб ўтган мажлиси мамлакатда сўл

кучларнинг янги сиёсий ташиқлотини тузиш юзасидан «таъсис жараёни» деб аталувчи жараён билан боғлиқ масалаларга бағишланди. Партия қотибияти ва раҳбариятининг мажлисида сўзга чиққан аъзоси Клаудио Петруччи, хусусан, ҳозир 257 та ташиқлот комитети ҳамда 110 дан зиёд клуб ва уюшма ташиқ қилинганлигини ва улар янги партияни тузиш жараёнига «ҳаракат қилувчи асосий кишилар сифатида» мумкин қадар кўпроқ коммунистларини, шунингдек бошқа сиёсий кучлар, партиялар, жамоат ташиқлотларининг вакилларини жалб этиши лозимлигини ўқитди. ● ИСЛОМОБОД. Бу ерда ташиқ ишлар министрлари биринчи ўринбосар-

лари даражасида Покистон—Ҳиндистон музокараларининг биринчи бошқичи туғалланди. Бу музокаралар икки қўшни давлатнинг ўзаро муносабатларидagi кескинлигини юмшатиш мақсадига бағишланди. Асосийэйтед пресс ОФ Пакистан ахборот агентлигининг «ишончли манбала»га таяниб хабар қилишича, томонлар икки йўллама муносабатларидagi кўпдан-кўп муаммолар юзасидан фикрлашиб олдилар, бироқ асосий масалалар — Қашмир хусусида, шунингдек ўз қўшинларини Покистон—Ҳиндистон чегарасидан уларнинг доимий турадиган жойларига олиб кетиш тўғрисидаги масалалар юзасидан бирон-бир аниқ битимга келолмадилар. (ТАСС).



Финляндияда сув билан даволаш тобора оммавийлашиб борапти. Бутун мамлакат бўйлаб сув ҳавзалари, соғломлаштириш сув комплекслари бунёд этилмоқда. Бунки тугунса бўлади. Сабани, чўмилиш ва сув муолажаларининг ўзи ёқилли бўлиш билан бир қаторда, шифобах хусусиятга ҳам эга. СУРАТДА: Сўмсудалии шаҳридаги сув билан даволаш шифоналаридан бирини. ТАСС сурати.



